prolapsi retsidivi kamaymaganligini ko'rsatadi. O'z navbtida bizning qarashlarimiz shuni anglatadiki jinsiy a'zolar prolapsi og'ir darajalarida va gisterektomiyadan keyingi qin cho'ltoqi prolapsini davolashda yangi xirurgik davo usullarini ishlab chiqish va bu usulning effektivligini oshirishni ishlab chiqish o'z oldimizga maqsad qilib qo'ydik

**Tadqiqot maqsadi:** Ayollar jinsiy a'zolari prolapsi retsidivi va asoratlari takomillashtirilgan operativ usul bilan davolash samaradorligini oshirish.

**Tadqiqot usuli va materiali.** Biz jinsiy prolapsi retsidivi va asorati bilan 53 ta bemorni tekshirishga oldik. Ularning yoshi 45-65 yoshgacha tashkil etdi. Bemorlarga barcha tekshirish usullari o'tkazildi, ularning anamnezi, umumiy klinik va laborator tekshirishlar, jinsiy a'zolar prolapsi darajasi, kichik chanoq organlari UZI tekshiruv, qo'shimcha asoratlari, kolposkopiya, qin surtmasi bakteriologik va bakterioskopik tekshirishlar o'tkazildi. Bundan tashqari birlamchi o'tkazilgan jarroxlik amaliyotlar turlari va xajmi, o'tkazilgan jarroxlikdan keyingi davri, va kuzatilgan asoratlari atroflicha o'rganildi va taxlil qilindi.

**Tadqiqot natijalari va ularning muhokamasi:** Olingan natijalar shuni korsatadiki, genital prolaps qaytalanishi kuzatilgan bemorlarning POP-Q tasnifi bo'yicha shikoyatlari o'rganildi.

**Residivlangan prolaps xarakteri**



Rasmdan ko'rinib turibdiki, asosan kasallikning asoratlari va klinikasi POP-Q tasnifi bo'yicha III-IV darajasida yaqqol namoyon bo'lishi aniqlandi. Prolaps retsidivida jarayonning keyingi bosqichida ya'ni og'ir darajalarida organlar va qin anatomiyasi va biotsenozi buzilishi natijasida qo'shimcha asoratlar kolpit, qin shilliq qavati trofik yaralari

Bachadon "dekubitus" yarasi kuzatilishi aniqlandi. Bundan tashqari bemorlar kasallik tarixi o'rganilganda o'tkazilgan birlamchi jarroxlik amaliyoti o'rganildi.

Taxlil natijalari shuni ko'rsatdiki bemorlarimizning anamnezidan 32,9% transvaginal bachadon amputatsiyasi va old kolporafiya, orqa kolpoperenioplastika o'tkazilgan, 24,50% old kolporafiya, orqa kolpoperenioplevatroplastika, 11,3% da o'rta kolporafiya, hozirgi kunda kuplap retsidiv berishiga karamasdan bemorlarning 13,9% da bachadon ventrofiksasiyasi o'tkazilgan. Jarroxlik amaliyotidan keyingi qaytalanish davri qisqaligi ya'ni 1 yildan 6 yilgacha va yuqorida ko'rsatilgan shikoyat va asoratlarning u yoki bu belgilari bilan kechishi kuzatilgan. Barcha taxlil va tekshirishlardan kelib chiqqan xolda biz o'zimizning jarroxlik amaliyotimizni taklif qildik. Jarroxlik amaliyoti xajmi: jinsiy a'zolar prolapsi takrorlanishida transvaginal gisterektomiyadan so'ng, qin old devoridan eski chandiqlar kesib olinadi. Qin oldingi devoriga bachadon yumoloq boylami orqa devoriga dumg'aza-bachadon boylami cho'ltoq'i birgalikda aloxida uzlukliz «X» simon choklar bilan tikiladi. Natijada "bublik" formasiga ega mustaxkam karkaz xosil bo'ladi. Keyingi oldingi kolporafiya va taktika orqa kolpoperineolevatoroplastika bilan tugallaniladi.

**Xulosa:** Zamonaviy adabiyotlar taxlili shuni ko'rsatadiki jinsiy a'zolar prolapsi hozirgi kunda ginekologiyaning dolzarb muammosi xisoblanadi. Shuni takidlash kerakki, jinsiy a'zolar prolapsining qaytalanishi bemorlarning 35% dan ko'progi takroran jarroxlik amaliyoti o'tkazishadi. Jarroxlik amaliyoti ustunligi shundan iboratki, bemorlar keyingi kundan o'rnidan turishadi. 3-4 kuni o'tirish va yurishga ruxsat beriladi. Jinsiy a'zolar prolapsida kuzatiladigan asoratlar 89%ga

kamayadi (kultit, infiltrat) Jarroxlik amaliyoti qo'llanilgan modifikatsiyada «X» simon choklar, uzluksiz choklardan ko'ra to'qimalarga kamroq ziyon yetkazadi ya'ni to'qimalarning oziqlanishi va tiklanishi yaxshilanadi. Shuni takidlash kerakki jarroxlik amaliyotidan so'ng 3 yil davomida jinsiy a'zolar prolapsi retsidivi kuzatilmadi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ш. К. Абдиева, Н. Р. Насимова Жинсий аъзолар пролапси бўлган аёлларда қин микробиоценози хусусиятларини ўрганиш // Доктор ахборотномаси, № 4 (97), 2020. С.133-138. DOI: 10.38095/2181-466X-2020974-133-138
2. Н. Р. Насимова, М. Ш. Шамсиева Метод хирургической коррекции пролапса гениталий различной степени у женщин // Вестник врача, № 1 (93), 2020. С.55-60. DOI: 10.38095/2181-466X-2020931-55-60
3. Х. Ш. Шавкатов, Б. Б. Негмаджанов Бачадон ва қин девори пролапсини асорати ва рецидивини оператив усул билан даволаш // Доктор ахборотномаси, № 2 (94), 2020. С.99-102. DOI: 10.38095/2181-466X-2020942-99-102
4. Apokina A.N. Prognozirovaniye effektivnosti xirurgicheskoy korreksii prolapsa tazovyx organov. Avtoref. diss.kand. med.nauk.– Moskva, 2012
5. Aylamazyan E.K. Prolaps tazovyx organov u jenshin: etiologiya, patogenez, prinsipy diagnostiki: posobiye dlya vrachey. SPb.–2010
6. Buyanova S.N., Smolnova T.Yu., Ioseliani M.N., Kulikov V.F. K patogenezu opusheniya i vyipadeniya vnutrennix polovyx organov // Vestn. Ros. assots akush.-gi-nekol. — 1998. — №1. — S. 77-79.
7. Gasparov A. S., Babicheva I. A., Dubinskaya Ye. D. i dr. Xirurgicheskoye lecheniye prolapsa tazovyx organov // Kazanskiy meditsinskiy jurnal. — 2014. — T. 95. — №3. — S. 341—347.
8. Hendrix S. L., Clark A., Nygaard I. et al. Pelvic organ prolapse in the Women's Health Initiative: gravity and gravidity. *Am J Obstet Gynecol* 2002;186(6):1160–6.
9. Krasnopolskiy V. I., Buyanova S. N., Petrova V. D. Kombinirovannoye lecheniye bolnyx s opusheniyem i vipadeniyem vnutrennix polovyx organov i nederjaniyem mochi s primeneniym antistressovyx texnologiy: Posobiye dlya vrachey. — M., 2003. — 41 s.
10. Macher C.F, Qatawneh A.M., Dwer P.L. et al. Ab-dominal sacral colpopexy or vaginal sacrospinous colpopexy for vaginal vault prolapse: a prospective randomized study // *Am. J. Obstet. Gynecol.* — 2004. — Vol. 190, N 1. — P. 20-26.
11. Negmadjanov B.B, Shavkatov X.Sh Ayollarda uchraydigan prolaps retsidivini jarroxlik amaliyotini optimallashtirish. “Tibbiyotda yangi kun” 4(34) 2020 yil. St. 504-506
12. Phillips C.H, Anthony F, Benyon C. et al. Colla-gen metabolism in the uterosacral ligaments and vaginal skin in women with uterin prolapse // *BJOG.* — 2006. — Vol. 113. — P. 39-46.

**СУРУНКАЛИ РИНОСИНУСИТИ БЎЛГАН ХОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА НУС  
ТЕРАПИЯСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ****И. Я. Шаматов, З. А. Шопулотова**

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** сурункали риносинусит (СРС), паст частотали ултратовуш (ПУТ) терапияси, хомиладорлик, антибиотикотерапия, ремиссия даври, фонофорез.

**Ключевые слова:** хронический риносинусит (ХРН), низкочастотная ультразвуковая (НУЗ) терапия, беременность, антибактериальная терапия, период ремиссии, фонофорез.

**Key words:** chronic rhinosinusitis (CRS), low-frequency ultrasound (LUS) therapy, pregnancy, antibiotic therapy, remission period, phonophoresis.

Ушбу мақола ремиссия давридаги сурункали риносинуситли хомиладор аёлларда паст частотали ултратовуш терапиясидан фойдаланиш натижаларини тақдим этади. Тадқиқотнинг мақсади паст частотали ултратовуш терапиясининг таъсирини ўрганиш ва антибиотик терапиясига алтернатив сифатида ушбу муолажанинг мақсадга мувофиқлигини асослаш эди. Тадқиқот СамДТУ клиникасининг ЛОР бўлимида ўтказилди. 2021 йилнинг куз мавсумида 30 нафар хомиладор аёл ўрганилди.

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ НУЗ ТЕРАПИИ БЕРЕМЕННЫХ С ХРОНИЧЕСКИМ РИНОСИНУСИТОМ****И. Я. Шаматов, З. А. Шопулотова**

Самаркандский государственный медицинский университет, Самарканд, Узбекистан

В данной статье представлены результаты использования низкочастотной ультразвуковой терапии у беременных с хроническим риносинуситом в стадии ремиссии. Целью исследования явилось изучить влияния низкочастотного ультразвуковой терапии и обосновать целесообразность данной процедуры в качестве альтернативы антибиотикотерапии. Исследование проводилось в ЛОР отделении клиники СамМИ. Были изучены 30 беременных за осенний период 2021 года.

**EFFICACY OF LUS THERAPY IN PREGNANT WOMEN WITH CHRONIC RHINOSINUSITIS****I. Ya. Shamatov, Z. A. Shopulotova**

Samarkand state medical university, Samarkand, Uzbekistan

This article presents the results of the use of low-frequency ultrasound therapy in pregnant women with chronic rhinosinusitis in remission. The aim of the study was to study the effects of low-frequency ultrasound therapy and to substantiate the feasibility of this procedure as an alternative to antibiotic therapy. The study was conducted in the ENT department of the SamMI clinic. 30 pregnant women were studied for the autumn period of 2021.

**Кириш.** Сурункали риносинусит (СРС) амбулатор ва стационар амалиётида энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, барча ёшдаги гуруҳларни бир хил даражада зарарлайди. СРС билан касалланишнинг барқарор ўсиши, унинг проградиянт йўналиши сезиларли асоратларга олиб келиши, бу нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга ҳолатлигини курсатади [3,10].

Овчинников А.Ю (2020) тадқиқотида кўра ЕРОС нинг 2020 йилги ҳисоботи шуни кўрсатадики, барча бирламчи тиббий ёрдамга ташрифларнинг 18-20 % тасдиқланган (18%) ёки шубҳали (1-2%) риносинусит ҳолатларига тўғри келади. Шу билан бирга, АҚШнинг Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказларининг ҳисоботида кўра, АҚШда ҳар йили 2,8 миллиондан ортиқ одам антибиотикларга чидамли инфекциялардан азият чекади, бу эса 35,000 дан ортиқ ўлимга олиб келади [7].

Джаббаров Д.Р. (2018) маълумотларига кўра катта ёшли одамларнинг 5-15%, болаларнинг эса 5% турли риносинуситлар билан касалланган. Сунги йилларда ушбу касаллик хомиладор аёллар контингентига ҳам ушиб бормокда [2].

Албатта ушбу касалликни самарали даволаш, айниқса сурункали шаклини ремиссия даврини узайтириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Барча яллигланиш касалликлари каби ушбу касалликни даволашда ҳам стандартларга қўра антибиотиклар қўлланилади, лекин ушбу даво муолажалари сурункали РС билан касалланган беморларда антибиотикларга нисбатан резистентликка олиб келиши кузатилади. Айниқса, хомиладор аёллар ичида СРС даволаш

хамон мунозарали булиб колмокда. Баъзи тадқиқотлар даво тактикасида кушимча равишда табиий препаратларни куллашни тавсия қилишади [1,3,7].

Сунги йилларда физиотерапевтик усуллар тобора такомиллашиб бормокда, ҳамда уз урнини барқарор эгалламокда. Паст частотали ультратовуш терапияси ҳозирда кенг куламда ишлатилмокда [11]. Шу билан бирга уларнинг хомиладорларда кулланилиши хали тулик урганилмаган.


**Материал ва методлар.** Тадқиқот давомида 19 ёшдан 35 ёшгача бўлган 30 нафар хомиладор аёллар СамДТУ 1-сон клиникасининг отолорингология бўлимида тиббий кўриқдан ўтказилди ва даволанди. Касалликнинг давомийлиги 1 йилдан 3 йилгача етди. 10 нафар бемор касалхонага ётқизилган, 20 нафар беморга амбулатор ёрдам кўрсатилган.

Назорат гуруҳига стандарт даволаниш буюрилган СРС ташхиси қўйилган 30 нафар хомиладор аёлни ўз ичига олди. СРС мавжудлиги анамнез маълумотлари, отолорингологик текширув натижалари, бурун олди синуслари ва бурун бўшлиғидан олинган патологик ажралманинг бактериологик текшируви, нафас олиш ва ҳидлаш фаолиятини баҳолаш натижалари, бурунолди синусларнинг магнит-резонанс томографияси (МРТ) маълумотлари билан тасдиқланган.

Асосий гуруҳнинг хомиладор аёллари бурун шиллиқ қавати ва синуслари тозалангандан кейин, дастлабки анемизациядан сўнг, ремиссия даврида ПУТ ва 2-авлод антигистаминларини оғиз орқали юбориш фонида эндоназал тери ичига юбориш орқали антибактериал препаратларни олдилар. Ремиссия даврида бурун бўшлиғини дастлабки тозалаш ва ювишдан сўнг маҳаллий дори флумарин бурун спрейи 22 мг / мл ва ПУТ фонида новокаин билан фонофорез буюрилди.

Назорат гуруҳи бурун шиллиқ қаватининг кунлик оғриқсизлантиришидан сўнг антибактериал препаратни парентерал ҳолда (кунига 1 марта 1 г дозада цефамед) қабул қилган, шунингдек, 2-авлод антигистаминлари буюрилган.

**Натижалар.** Тадқиқот натижалари барча аёлларда риносинусит сурункали эканлиги, уртача касаллик давомийлиги  $1,7 \pm 0,68$  йил эканлигини курсатди. Беморлар умумий ҳолсизликка, бурундан ажралмалар келишига, нафас олишга кийналишларига шикоят қилдилар. 80% хомиладорларда фақат бурунни чайкаш билан нафас йулларини утказувчанлигини тиклашган, колганлари эса маҳаллий томир торайтирувчи спрейлардан фойдаланганлар. 1-расмда хомиладорларнинг шикоятлари таҳлили келтирилган.



Анамнез таҳлиliga кура 50% асосий гуруҳ беморлари аллергик касалликлари мавжудлигини таъкидлашди, назорат гуруҳида ҳам ушбу курсаткич сезиларли фаркга эга эмас эди (46,7%). Бир йил давомида уткир респиратор касалликлар ва тумов билан касалланиш даражаси уртача  $3 \pm 0,4$  мартага тугри келди. Ушбу курсаткич хомиладорлик вақтида

иммун тизим заифлашиши билан ҳам боғлиқ булиши мумкин.

Кон тахлили урганилганда беморларнинг аксариятида (66,7%) камконлик аникланди, улардан урта огир даража 30% да, енгил даража эса 70 % да аникланди. Лейкоцитар узгарилар 83,3% да кайд этилди, бундан 50% да лейкоцитоз сезиларли даражада эди. Лимфоцитлар ҳам ошиши, умумий оксил микдори камайиши кузатилди.

Асосий гуруҳ беморларига утказилган даво муолажаларидан сунг 28 (93,3%) нафар хомиладорлар ижобий натижа кайд этишди, назорат гуруҳида эса ушбу курсаткич 83,3% ни ташкил килди. Даво муолажалар давомийлиги асосий гуруҳда уртача  $5,03 \pm 0,54$  кунни, назорат гуруҳида эса  $6,12 \pm 1,02$  кунни ташкил килди. Ремиссия даврининг давомийлиги берилган тавсияларни бажаришда асосий гуруҳ беморларида узокрок эди.

**Хулоса.** Шундай қилиб, қиёсий таҳлил ПУТ билан биргаликда новокаиннинг маҳаллий антибиотик терапияси ва фонофорезнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини, шунингдек, СРСни даволашда антибактериал дориларни парентерал ва маҳаллий қўллашдан устунлигини кўрсатди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азимов М., Ризаев Ж. А., Азимов А. М. К вопросу классификации одонтогенных воспалительных заболеваний // Вісник проблем біології і медицини. – 2019. – №. 4 (1). – С. 278-282.
2. Джаббарова Д. Р., Исмамова К. А. Аспекты клинических проявлений риносинуситов у беременных // Евразийский Союз Ученых. – 2018. – №. 2-2 (47). – С. 54-55.
3. Исламов Ш. Э. и др. Дефекты оказания медицинской помощи в практике оториноларингологии // Достижения науки и образования. – 2020. – №. 4 (58).
4. Карпищенко С. А. и др. Острые и хронические риносинуситы: дополнительные возможности консервативной терапии // Folia Otorhinolaryngologiae et Pathologiae Respiratoriae. – 2018. – Т. 24. – №. 4. – С. 62-68.
5. Карпищенко С. А., Шумилова Н. А. Особенности течения и лечения риносинуситов у беременных // Folia Otorhinolaryngologiae et Pathologiae Respiratoriae. – 2018. – Т. 24. – №. 4. – С. 38-48.
6. Касимова Ш. А. Патогенетические методы терапии хронических риносинуситов у беременных // Re-health journal. – 2020. – №. 2-1 (6). – С. 32-35.
7. М. Т. Насретдинова, И. Я. Шаматов, Ш. О. Коржавов Полипоз риносинусит билан оғриган беморларда айрим даво усулларининг самарадорлиги // Доктор ахборотномаси, № 2 (99), 2021. С.70-73. DOI: 10.38095/2181-466X-2021992-70-73
8. Овчинников А. Ю., Мирошниченко Н. А., Николаева Ю. О. о тактике лечения острого риносинусита у взрослых пациентов, включая беременных женщин, в период растущей антибиотикорезистентности // Consilium Medicum. – 2020. – Т. 22. – №. 11. – С. 25-30.
9. Ризаев Ж. А., Хасанова Л. Э., Фаттахов Р. А. Влияние синдрома эмоционального выгорания на гигиенические привычки по уходу за полостью рта. – 2020.
10. Сакович А. Р., Долина И. В. Риносинуситы. – 2018.
11. Шамкина П. А. и др. Эпидемиология хронических риносинуситов // Современные проблемы науки и образования. – 2019. – №. 3. – С. 188-188.
12. Н. Ж. Хушвакова, У. М. Бурханов Сурункали риносинусит билан оғриган беморларда эндоскопик жаррохлик амалиётидан сўнг фагоцитозни нейтрофил бўғини кўрсаткичларини баҳолаш // Доктор ахборотномаси, № 4 (97), 2020. С.119-122. DOI: 10.38095/2181-466X-2020974-119-122
13. Шаматов И. Я. и др. Комплексное лечение хронического риносинусита в стадии обострения // Re-health journal. – 2019. – №. 2. – С. 5-10.



**HOMILADORLARDA VULVOVAGINAL INFEKSIYA ASORATLARI****M. Sh. Shamsieva, B. B. Negmadjanov, G. T. Rabbimova, N. R. Насимова, U. T. Ochilova**  
Samarqand davlat tibbiyot universteti ,Samarqand, O'zbekiston

**Tayanch so'zlar:** vulvovaginit, kandidoz, bakterial vaginoz, aerobli vaginit, xorioamnionit, qog'onoq pardaning tug'ruqdan oldin yorilishi, kamsuvlilik, ko'psuvlilik.

**Ключевые слова:** вульвовагинит, кандидоз, бактериальный вагиноз, аэробный вагинит, хориоамнионит, дородовой разрыв плодного пузыря, маловодие, многоводие.

**Key words:** vulvovaginitis, candidiasis, bacterial vaginosis, aerobic vaginitis, chorioamnionitis, prenatal corneal rupture, insufficiency, multiplicity.

Ushbu maqolada homiladorlarda vulvovaginal infeksiya sabab yuzaga keluvchi asoratlar haqida so'z boradi. Yuqumli omilning homiladorlik va perinatal rivojlanishdagi rolini aniqlash va salbiy oqibatlari bo'yicha tadqiqotlar olib borish muhim ahamiyat kasb etadi. Asoratlar chastotasining yuqoriligi bakterial vaginoz, aerobli vaginit, vulvovaginal kandidoz kabi infeksiyalarning klinik namoyon bolishiga va qin mikroflorasidagi buzilishlarga bog'liq. Vulvovaginal infeksiyalar xorioamnionit, muddatdan oldingi tug'ruq xavfi, qog'onoq pardasining tug'ruqdan oldin yorilishi, ko'psuvlilik, kamsuvlilik kabi salbiy asoratlarga olib keladi.

**ОСЛОЖНЕНИЯ ВУЛЬВОВАГИНАЛЬНЫХ ИНФЕКЦИЙ У БЕРЕМЕННЫХ****М. Ш. Шамсиева, Б.Б. Негмаджанов, Г.Т. Раббимова, Н.Р. Насимова, У.Т. Очилова**

Самаркандский государственный медицинский университет, Самарканд, Узбекистан

Эта статья расскажет о возможных осложнениях, вызванных вульвовагинальными инфекциями у беременных. Важное значение имеет определение роли инфекционного фактора в протекании беременности и перинатальном развитии, а также проведение исследований негативных последствий. Высокая частота осложнений обусловлена клиническими проявлениями таких инфекций, как бактериальный вагиноз, аэробный вагинит, вульвовагинальный кандидоз, нарушениями микрофлоры влагалища. Вульвовагинальные инфекции приводят к таким негативным осложнениям, как хориоамнионит, угроза преждевременных родов, дородовой разрыв плодного пузыря, многоплодие, недержание мочи.

**COMPLICATIONS OF VULVOVAGINAL INFECTIONS IN PREGNANT WOMEN****M. Sh. Shamsieva, B. B. Negmadjanov, G. T. Rabbimova, N. R. Насимова, U. T. Ochilova**

Samarkand State Medical Institute, Samarkand, Uzbekistan

This article will tell about possible complications caused by vulvovaginal infections in pregnant women. It is important to determine the role of the infectious factor in the course of pregnancy and perinatal development, as well as conducting studies of negative consequences. The high frequency of complications is due to the clinical manifestations of infections such as bacterial vaginosis, aerobic vaginitis, candidiasis, disorders of the vaginal microflora. Vulvovaginal infections lead to such negative complications as chorioamnionitis, the threat of premature birth, prenatal corneal rupture, multiple pregnancy, urinary incontinence.

**Dolzarbliqi.** Vulvovaginal infeksiyalar hozirgi kunda akusherlik va perinatologiya sohasida muhim muammolardan biridir. Vaginal infeksiyalar kasalxonada keng tarqalgan bo'lsada, jamiyat orasida ko'pincha muammo sifatida kam baholangan. Vulvovaginit- vulva shilliq qavatining (tashqi jinsiy a'zolar) va qinning yallig'lanish kasalligi hisoblanadi.

Kandidalar, aerobli vaginit, bakterial vaginoz, vulvovaginitning asosiy sabablaridir va ayollarning hayotida kamida bir marta infeksiya epizodiga ega va homiladorlik bunga moyillik qiluvchi omil hisoblanadi. Hozirgi kunda esa bu ko'rsatkich barcha ginekologik bemorlarda: jinsiy a'zolarining yuqumli va yallig'lanish kasalliklari 70% homilador bo'lmagan ayollarda, 50-60% ni esa homilador ayollarda tashkil qilmoqda. Vulvovaginal infeksiyalar ayolning hayot sifatiga salbiy ta'sir qiladi. Vaginal infeksiyalar ko'pincha faol jinsiy aloqada bo'lgan ayollarda, ayniqsa, tartibsiz jinsiy aloqadagilarda ko'p uchraydi.

Yuqumli va yallig'lanish kasalliklari kamdan-kam hollarda bitta patogen sabab bo'ladi. Vulvovaginitga sabab bo'luvchi infeksiyalar asosan: bakterial vaginoz, vulvovaginal kandidoz, aerobli vaginitlar, aralash va boshqa infeksiyalardir.

Qog'onoq pardaning tug'ruqdan oldin yorilishi- muddatdan oldingi tug'ruqqa olib keluvchi asosiy sabab hisoblanadi, bu ko'rsatkich erta homiladorlik davrida 70-92% gacha uchrashi aniqlangan.

Homiladorlikning erta muddatlarida qog'onoq pardaning tug'ruqdan oldin yorilish xavfini aniqlash va chuqur tekshiruvlar, homilaning morfofunktsional yetilishi, homilador ob'ektiv holatini baholash, infeksiya asorat berish xavfi ko'rsatkichlari pastligi homiladorlikni uzaytirish imkonini beradi.

Xorioamnionit- homila qog'onoq pardasining yallig'lanishi. Xorioamnionit-o'tkir bakterial infeksiyon kasallik bo'lib, amnion va amniotik suyuqlik infeksiya ta'sirida zararlanadi.) Yallig'lanish homiladorlik paytida yoki tug'ruq vaqtida shakllanadi, davolashsiz ona va bolada jiddiy infeksiyalarga olib keladi.

Xorioamnionit-polimikrob kasallik bo'lib, gipertermiya, bachadondagi og'riq, qindan yiringli sekreti kelishi bilan namoyon bo'ladi. Tashxis ginekologik tekshiruv, xomila KTG, laboratoriya tekshiruvlari, tos suyagi ultratovush tekshiruvi bilan qo'yiladi. Homilador ayolda taktikasi tabiiy tug'ruq yo'llari orqali yoki operativ turda shoshilinch tug'ruqni amalga oshirishni o'z ichiga oladi, shu bilan birga intensiv antibakterial, yallig'lanishga qarshi, infuzion terapiyani tayinlash muhim hisoblanadi.

Kamsuvlilik - amniotik suyuqlik hajmining kamayishi bo'lib, ob'ektiv tekshiruv va ultratovush orqali aniqlanadi.

Muddatidan oldingi tug'ruq xavfi – 22-36 haftalarda homila yetilmasdan amalga oshgan tug'ruq. Muddatdan oldingi tug'ruqning xavfli sabablari: ekstrogenital kasalliklar (giperterioz, yurak kasalliklari, kamqonlik 90 dan past), narkomaniya va chekish; kasb kasalliklari, irsiylik, o'tkazgan virusli infeksiyalar, anamnezdagi muddatdan oldingi tug'ruq, bachadonning nuqsonli rivojlanishi, bachadonning tortilishi (ko'p suvlik, makrosomiya), homiladorlik vaqtidagi xirurgik operatsiyalar, ayniqsa qorin bo'shligida bo'lsa.

Ko'psuvlilik (polyhydramnion) – homila bilan bog'liq o'tkazilgan infeksiyalar, endokrin patologiya va tashqi va ichki muhitning salbiy omillari natijasida kelib chiqadigan patologik jarayon.

**Tadqiqot maqsadi:** Vulvovaginal infeksiyasi bo'lgan homiladorlarda yuzaga keluvchi asoratlarni tahlili.

**Materiallar va tadqiqot metodlari.** Tekshirish uchun olingan 51 nafar 27-36 haftalik muddatdagi vulvovaginal infeksiyasi bo'lgan homiladorlarda quyidagicha tekshiruvlar o'tkazildi: Umumiy-klinik, bakteriologik, bakterioskopik, IFA, tug'ruq yo'llarini Bishop shkalasida baholash, bachadon va homila ultratovush tekshiruvi

**Natijalar.** Kuzatuvlar natijasida 29 nafar (57%) homiladorda muddatidan oldingi tug'ruq xavfi kuchayib, BISHOP shkalasi bo'yicha bachadon bo'yni yumshoq, kaltalashgan, markazlashganligi, bir va bir necha barmoq o'tkazishi aniqlandi. Ushbu homiladorlardan 11 nafari (22%) tug'ruqqa tayyorlanib muddatdan oldingi tug'ruq sodir etildi, qolgan 8 nafarida (16%) boshqa ko'rsatmalarni inobatga olib, Laparotomiya Bachadon pastki segmentidan Kesar kesish operatsiyasi o'tkazildi). Homiladorlarning 10 nafarida (20%) esa homiladorlik da'vo choralari bilan saqlanib, homila yetilgan muddatda tug'ilishiga erishildi.

Xorioamnionit aniqlangan 3 nafar (6%) (35- hafta, 33 hafta, 30 haftalik muddatlarda) homilador ayollarda zudlik bilan konsilium asosida homiladorlik to'xtatilishi kelishildi (Laparotomiya. Bachadon pastki segmentidan Kesar kesish operatsiyasi o'tkazildi).

Qog'onoq pardaning tug'ruqdan oldin yorilishi-43 nafarida (84%) da qabul bo'limiga qindan suvli ajralma kelishidan shikoyat bilan kelgan.

Ko'psuvlilik homiladorlarning 8 nafar (16%) ida, kamsuvlilik 13 nafarida (26%) ultratovush tekshiruvda aniqlandi.

Qinning 2-tozalik darajasi homiladorlarning 11 nafarida (22%), qinning pH-5.0-5.5 Doderleyn tayoqchalari kam, ko'plab anaerob bakteriyalar aniqlandi.

Qinning 3-tozalik darajasi homiladorlarning 19 nafarida (37%), (pH 6,0–6,5), kuchsiz kislotali muhit, juda oz miqdorda Doderleyn tayoqchalari, anaerob bakteriyalar, kokklar va leykotsitlar ko'p miqdorda uchrashi aniqlandi.

Qinning 4-tozalik darajasi homiladorlarning 14 nafarida (27%) kuchsiz ishqoriy muhit,

Doderleyn tayoqchalari yoq batsilla, ko'p miqdorda leykotsitalar, trixomonadalar borligi aniqlandi.

#### **Xulosa:**

1. Xulosa sifatida aytish mumkinki, vulvovaginal infeksiyalangan homiladorlarda yuzaga keluvchi asoratlarning darajasining yuqoriligi bakterial vaginoz, aerobli vaginit, kandidoz kabi infeksiyalarning klinik namoyon bo'lishiga va qin mikroflorasidagi buzilishlarga bog'liq.

2. Bu borada homilador ayollarda genital infeksiyalarni tashxislash va da'volashda mikroorganizmlarning aniqlash lozim va bu bilan birga yuzaga kelishi mumkin bo'lgan asoratlarning oldi olinadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Доброхотова Ю. Э. и др. Состояние врожденного иммунитета и микробиоты влагалища при бактериальном вагинозе у беременных в I триместре //Акушерство и гинекология. – 2019. – №. 9. – С. 126-134.
2. Доброхотова Ю. Э. и др. Состояние врожденного иммунитета и микробиоты влагалища при бактериальном вагинозе у беременных в I триместре //Акушерство и гинекология. – 2019. – №. 9. – С. 126-134.
3. Кокоева Д. Н. и др. Профилактика преждевременных родов у беременных с вагинальным кандидозом // Медицинский совет. – 2019. – №. 7
4. Кузнецова И. В. Трудности терапии аэробного вагинита и пути их преодоления //Медицинский алфавит. – 2017. – Т. 2. – №. 10. – С. 23-29.
5. Ляликов С. С. и др. Характеристика микробных ассоциаций, выделенных из родовых путей у беременных при бактериальном вагинозе //Медико-социальные проблемы семьи. – 2020. – Т. 25. – №. 1. – С. 23-28.
6. Ф. Ш. Орипова, С. А. Саидов, Г. А. Ихтиярова, А. А. Мавлонов Бактериальный вагинит: состояние проблемы, перспективы диагностики и лечения // Вестник врача, № 1 (93), 2020. С.131-137. DOI: 10.38095/2181-466X-2020931-131-137
7. Селихова М. С., Смольянинов А. А. Новые возможности в лечении вагинальных инфекций //Акушерство и гинекология: Новости. Мнения. Обучения. – 2019. – №. 1 (23).
8. Ткаченко Л. В. и др. Современный подход к лечению вульвовагинальных инфекций //Акушерство и гинекология: Новости. Мнения. Обучения. – 2018. – №. 4 (22).
9. Щербакова Е. С., Лусевич А. И., Фаустова Ю. П. ВУЛЬВОВАГИНИТ //Аллея науки. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 124-127.
10. Konadu D. G. et al. Prevalence of vulvovaginal candidiasis, bacterial vaginosis and trichomoniasis in pregnant women attending antenatal clinic in the middle belt of Ghana //BMC pregnancy and childbirth. – 2019. – Т. 19. – №. 1. – С. 1-10.
11. Prevalence of Yadav K., Prakash S. Prevalence of vulvovaginal candidiasis in pregnancy //Glob J Med Med Sci. – 2016. – Т. 4. – №. 1. – С. 108-116.
12. Sayfieva M., Rabbimova G. T., Muhamadiev N. Q. Estimation of use efficiency of essential oil of anise in treatment of genital infections in pregnant women //Journal Homepage: <http://mbsresearch.com>. – 2019. – Т. 5. – №. 6.
13. Zisova L. G. et al. Vulvovaginal candidiasis in pregnant women and its importance for Candida colonization of newborns //Folia medica. – 2016. – Т. 58. – №. 2. – С. 108.

## ПЛАЦЕНТАЦИЯ ТУРИГА ҚАРАБ КЎП ҲОМИЛАЛИКДА ҲОМИЛАДОРЛИК, ТУҒРУҚ ВА ПЕРИНАТАЛ ОҚИБАТЛАРИНИ ЎЗИГА ҲОСЛИГИ

Х. Т. Шодиева, М. М. Халилова, Д. Э. Назарова, Н. И. Парвизи

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** кўп ҳомилалик, монохориал ва бихориал плацентациялаш тури, перинатал оқибатлар.

**Ключевые слова:** многоплодная беременность, монохориальный и бихориальный тип плацентации, перинатальные осложнения.

**Key words:** multiple pregnancy, monochorionic and bichorial type of placentation, perinatal results.

Бизнинг тадқиқотимиз кўпҳомилаликда плацента турига қараб ҳомиладорликни кечиши, туғруқ ва перинатал оқибатларни таҳлил қилиш эди. Тадқиқотимизда 90 та кўпҳомилали аёлларни плацента турига қараб икки гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳда 38та аёл монохориал плацента тузилишига эга, 2-гуруҳда 52та бихориал плацента тури бўлган аёлларни ўз ичига олди. Бир ҳомиланинг физиологик ривожланиши ва иккинчи ҳомиланинг гипотрофик ривожланиши 19,8% ҳолатда монохориал плацентация типига юзага келса, дихориал типда 9,2% ҳолатда юзага келди. Хориал турига қараб акушерлик асоратларини юзага келишида сезирарли даражада фарк кузатилмади, аммо кўпҳомилаликда ҳомиладорликни кечиши, туғруқда ва перинатал асоратлар юзага келиши бир ҳомилали ҳомиладорликга қараганда кўп ҳомилаликда 2 баробар юқоридир. Бизнинг тадқиқотимизда монохориал тузилишдаги хориал турида перинатал асоратлар: ҳомиланинг оғир даражадаги гипотрофияси, ҳомилаларнинг диссоцирланган ривожланиши ва янги туғилган чақалоқларда неврологик бузилишлар ривожланишида кўшимча бир хавф омили деб ҳисобланди.

## СВЯЗЬ ТЕЧЕНИЯ БЕРЕМЕННОСТИ, РОДОВ И ПРЕНАТАЛЬНЫЕ ИСХОДЫ ПРИ МНОГОПЛОДНОЙ БЕРЕМЕННОСТИ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ТИПА ПЛАЦЕНТАЦИИ

Х. Т. Шодиева, М. М. Халилова, Д. Э. Назарова, Н. И. Парвизи

Ташкентская Медицинская академия, Ташкент, Узбекистан

Целью исследования явилась оценка течения беременности, родов и перинатальные осложнения в зависимости от типа плацентации. Под нашим наблюдением было 90 женщин с многоплодием которые были разделены на 2 группы в зависимости от типа плацентации: 1 группа (38) с монохориальным типом плацентации, 2 группа (52) с бихориальным типом. Физиологическое развитие одного плода и гипотрофия второго плода встречались в 19,8% случаев при монохориальном типе и в 9,2% при бихориальном типе плацентации. Достоверной разницы в частоте акушерских осложнений в зависимости от типа хориальности не выявлено, но при многоплодной беременности наблюдались осложнения связанные с течением беременности и родов 2 раза выше по сравнению с одноплодной. Наблюдалась связь перинатальных осложнений в зависимости от типа хориальности, монохориальный тип плацентации рассматривался как дополнительный фактор риска развития перинатальных осложнений таких как – гипотрофии, диссоциированное развитие плода и развитие неврологических нарушений у новорожденных.

## RELATIONSHIP OF THE COURSE OF PREGNANCY, BIRTH AND PRENATAL OUTCOMES OF MULTIPLE PREGNANCY DEPENDING ON THE TYPE OF PLACENTATION

Kh. T. Shodieva, M. M. Khalilova, D. E. Nazarova, N. I. Parvizi

Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan

Our research aimed to study the perinatal outcomes in multiple pregnancies depending on the type of chorionicity. In the research, 90 women with multiple pregnancies were divided into 2 groups depending on the type of chorionicity. The first group consist of multiple pregnant women with monochorionic type of placentation. For the second group twin pregnant women with dichorionic diamniotic type of placentation were chosen. Physiological development of one of the fetuses and hypotrophy of the second one was revealed in the monochorionic type of placentation 19.2%, and the dichorionic 9.2%. The rate of occurring obstetric complications depending on type of placentation has not seen a remarkable difference. However, frequency of complication like perinatal, happening during current pregnancy and labor in twin pregnancy compare to singleton pregnancy two times higher. Our research has revealed that monochorionic type of chorinocity is the one of additional risk factors in development of perinatal complications like severe degrees of malnutrition, dissociated fetal development and poor neurological outcomes in newborns.

Бутун дунёда эгизакларнинг туғилиши ортиши сабабли кўп ҳомилали ҳомиладорликда юзага келадиган муаммоларни кўплаб тадқиқотларга қарамасдан, асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра кўп ҳомилаликнинг кечиши эрта токсикозлар, гипертензив бузилишлар, ҳомила/ҳомилаларнинг нотўғри жойлашиши, кўп

сувлилик, муддатидан олдинги туғруқ ва қоғонок пардасининг туғруқдан олдин ёрилиши каби асоратлар билан кечади [1, 2, 4]. Туғруқлар эса туғруқ фаолиятининг аномал кечиши, оператив туғруқларнинг сонининг ортиши, хомилаларнинг гипоксияси, асфиксияси ва қон кетишлар билан характерланади. Маълумки эгиз хомилаликда перинатал касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари бир хомилаликга қараганда 3-7 баробар юқори бўлиб, хомила/хомилаларнинг ўсишдан орқада қолиши, туғма аномалиялар ва бир хомиланинг антенатал ўлими билан намоён бўлади [3, 5].

**Мақсад:** кўп хомилаликда хориал турига қараб хомиладорлик, туғруқни кечиши, ва перинатал оқибатларнинг ўзига хослигини ўрганиш.

**Материал ва тадқиқот усуллари:** Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси таркибидаги туғруқ комплексида 90 та кўпхомилали аёллардан туғилган 179 чақалоқлар ўрганилди. Хориал турига қараб 2 гуруҳга бўлинди. 1 - гуруҳ монохориал эгиз хомилали аёллар бўлиб, уларнинг сони 38тани ташкил этди. 2 - гуруҳ бихориал биамниотик тузилишга эга бўлган эгиз хомилали 51та аёлдан ташкил топди. Биз кўпхомилали аёлларда хомиладорликнинг кечиши, туғруқ ва перинатал оқибатларни баҳоладик. Хомиладорлик даврида хомила ҳолатини баҳолаш мақсадида динамикада клиник лаборатор ва инструментал текширувлар ўтказилди (УТТ ва доплероетрик текширув). Перинатал оқибатларни баҳолаш куйидаги мезонларни ўз ичига олди: туғилгандаги гестацион муддати ва чақалоқларнинг етилганлик даражаси, туғилгандаги тана вазни, бўйи, чақалоқларнинг интенсив терапия бўлимида ўтказган вақти ва шароити, марказий нерв тизимидаги бузилишлар ва нафас тизимида юзага келган бузилишлар даражаси.

**Натижалар:** Бизнинг анамнез маълумотлари тахлили шуни кўрсатдики, эгиз хомиладорлар аёлларнинг ёши 24 дан 32 ёшгача ташкил этди. Ўртача ёш 1- гуруҳда. 25,6 1,0, 2чи гуруҳда. 26,70,6 ташкил этди. Улардан биринчи хомиладорлик 1-гр. 36,8%, 2-гр. 23,5% кузатилди, қайта хомиладорлар тегишли равишда 63% ва 76,5% ни ташкил этди. Кўп хомилали аёлларда хомиладорликни тахлил қилишда плацента турига қараб турли асоратлар аниқланди. Ҳар иккала гуруҳда ҳам хомиладорликни биринчи ярмида токсикоз юзага келиш даражасида статистик фарқ кузатилмади. Эгиз хомилаликда хомиладорлик қусиши турли оғирлик даражаси 35,7%да учраб, улардан 19,2% стационар шароитида даволанган. Биринчи триместрда хомиладорлик тўхташ хавфи ҳар икки гуруҳда ҳам бир хил даражада 32,9 % 1-гуруҳда, 36,5% 2-гуруҳда кузатилди. Хомиладорликни иккинчи ярмида эрта туғиш хавфи 1-гуруҳда монохориал плацентацияланиш тури юқори бўлиб (53%) 2-гуруҳда бихориал плацентациялашда деярли икки баробар кам учради (28,8%). Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқадики, хориалнинг турли типларида хомиладорликнинг биринчи ярмида хомиладорликнинг тўхташ хавфини учраш даражасида фарқ деярли бўлмади, аммо хомиладорликнинг иккинчи ярмида эрта туғиш хавфи монохориал типли плацентацияли кўпхомилаликда дихориал типли эгиз хомиладорликга қараганда 1,5 – 2 марта кўпроқ кузатилди.

Соматик касалликларни учраш даражасини тахлил қилинганда ҳар икки гуруҳда ҳам аёлларнинг иккидан бирида турли оғирликдаги камконлик, ҳар тўртдан бирида сийдик йўллари касалликлари ва юрак қон томир патологиялари (15,8% ва 19,4%) кузатилди. Хориал турига қараб. соматик касалликларнинг юзага келишида бирор-бир боғлиқлик аниқланмади. Монохориал типли плацентацияланиш турида дихориал типга қараганда гипертензив бузилишлар учраши кўпроқ кузатилди, монохориал типли плацентацияда бу кўрсаткич 36,2% дихориалда эса 26,5% ташкил қилди. Юқорида кўрсатилган сабаблар хомиладорликнинг ҳар бир триместрида амбулатор ва стационар равишда даволанишга кўрсатма бўлиб, бу кўпхомилаликнинг салбий кечишини тасдиқлайди. Кўпхомилаликда монохориал эгизларда туғруқ муддати 321,7 ҳафтада, 2 гуруҳда бу кўрсаткич 34,31,8 ташкил этиб, бу кўрсаткичлар бир биридан катта фарқ қилмади. Эгиз хомиладорликда туғруқни оператив йўли билан тугаши бир хомилаликга қараганда 2 марта кўп. Монохориал типли плацентациялашда туғруқни кесарча кесиш амалиёти билан тугаши 68,5 % ташкил этиб, бундан 42,3% шошилиш равишда амалга оширилган. Бу кўрсаткич бихориал типда 56% ташкил

қилиб, шошилинич ҳолатда операцияга кўрсатма 26,3% булган.

Перинатал оқибатларнинг тахлили шуни кўрсатдики, эгиз ҳомиладорликдан туғилган чақалоқларнинг деярли ярми гипотрофия билан туғилади. Эгизаклардан биринчи ва иккинчисида гипотрофия учраш даражасида сезиларли фарқ кузатилмади. Кўпхомилалликда хомилаларнинг диссоциялашган ривожланиши яна бир қўшимча перинатал хавф омилларидан бири бўлди [6]. Бизнинг кузатувимизда диссоцияланган ривожланиши 1 - гуруҳда монохориал тип 19,8% ҳолатда аниқланган булса, 2-гуруҳда 9,2% ҳолатда кузатилди. Эгиз ҳомиладорликда яна бир эътиборга лойиқ асоратларидан бири бу неврологик асоратлардир ушбу асоратлар бир ҳомилаликга қараганда кўп ҳомилаликда 3 маротаба куп учрайди. Монохориал типда бу асоратлар патогенезида асосан томирлар аро аностамозлар мавжудлиги ва асосан бош миянинг гипоксик ва ишемик зарарланиши ётади. Турли манбаларнинг маълумотларига кўра, болалар церебрал фалажи учраш кўрсаткичи монохориал типда 12% дан 20% гача ташкил қилса, бихориал турда 3,7% ҳолатда аниқланади патогенезида асосан томирлар аро аностамозлар мавжудлиги ва асосан бош миянинг гипоксик ва ишемик зарарланиши ётади [7,8]. Тадқиқотимизда бош мияда қон айланиши бузилиши 34,2% 1 гуруҳда , 24,6% 2 гуруҳда кузатилиб, янги туғилган чақалоқларда бош мияда қон айланишининг бузилиши асосий сабабларидан бири муддатидан олдинги туғруқ ва хомилаларнинг чала тугилганлиги сабаб бўлди.

Ҳомилаларнинг антенатал ўлими фақат 1 - гуруҳда икки ҳолатда кузатилди, улардан бирида иккала хомиланинг антенатал ўлими 26-ҳафталикда кузатилган, иккинчи ҳолатда бир хомиланинг антенатал ўлими кичик муддатларда содир бўлган. Бундан ташқари эрта неонатал даврда монохориал кўпхомилаликдан туғилган чақалоқларнинг 3 таси нобуд бўлган бўлиб, улар ҳомиладорликнинг 30-34 ҳафталигида туғилган. Янги туғилган чақалоқларнинг 8 тасида (5,8%) туғма нуқсон аниқланган, улардан бта ҳолатда, юрак туғма нуқсони билан (қоринчалар аро тўсиқ нуқсони, митрал клапан нуқсони), буйрақлар поликистози 1 ҳолатда, 1 ҳолатда омфалоцеледир. Туғма нуқсонлар билан туғилган болалар 1 - гуруҳда 6,6%, 2-гуруҳда 1,9% ҳолатни ташкил этди.

**Хулоса:** кўпхомиладорликнинг кечиши ва туғруқ оқибатларига доир ўтказган тахлилларимиздан кўринадики, кўп ҳомилаликда акушерлик асоратлари ривожланиш хавфи юқори: хомиладорлик қусиши, камқонлик, сийдик йўллари инфекцияси, гипертензив бузилишлар, плацентар етишмовчилик, эрта туғиш хавфи, ва эрта туғруқлар монохориал плацентация турида 2 баробар кўпроқ учрайди. Перинатал оқибатлардан - хомиланинг оғир даражадаги гипотрофияси, хомилаларнинг диссоцирланган ривожланиши ва янги туғилган чақалоқларда неврологик бузилишлар ривожланишида монохориал плацентация турида қўшимча бир хавф омили ҳисобланади. Кўп хомилаликда хомиладорлик кечиши, туғруқ, перинатал асоратлар тахлили, асоратлар юзага келиши плацента тузилиши билан боглиқ бўлиб, монохориал типда асоратлар юзага келиш ҳолати юқоридир. Бу эса ўз навбатида асоратларни уз вақтида диагностика қилиш ва даволашнинг замонавий усулларини талаб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Л. С. Абдуллаева, М. Х. Каттаходжаева, А. Т. Сафаров, С. С. Гайибов Прогнозирование и профилактика акушерских и перинатальных осложнений при многоплодной беременности // Вестник врача, № 1 (93), 2020. С.109-112. DOI: 10.38095/2181-466X-2020931-109-112
2. Костюков К.В., Гладкова К.А. Перинатальные исходы при монохориальной многоплодной беременности, осложненной синдромом селективной задержки роста плода // Журнал Акушерства и Гинекологии. - 2020. - №6. - С.50-58.
3. Косякова О.В., Беспалова О.Н. Сложности и перспективы прогнозирования преждевременных родов при

- многоплодной беременности // Журнал акушерства и женских болезней. — 2018. — Т. 67. № 4. — С. 48–59.
4. Макаров Р.А., Кинжалова С.В., Мамович Н.В., Маркова Т.В. Адаптация центральной гемодинамики матерей при одноплодной и многоплодной беременности в третьем триместре // Журнал Акушерства и Гинекологии. - 2019. - №2. - С. 74-77.
  5. Shodieva Khurshida, Pakhomova Janna, Nazarova Dilrabo. Improving the prevention of postpartum hemorrhage in women with multiple pregnancies //Journal of Hunan University (Natural Sciences) - Vol. 48. -No. 10. October 2021 – P. 820-829
  6. Mary D’Alton, Noelle Breslin. Management of multiple gestations// Obstetrics & Gynecology – 2020. – P. 3-9.
  7. Han Z.Y., Fang Q., Luo Y.M., Hou H.Y., Chen M.L., He Z.M. et al. Intrauterine growth characteristics of twins and those twins discordant birthweight. //Zhonghua Fu Chan Ke Za Zhi. – 2016. - 47(5). – P. 337-41
  8. Barzilay E., Haas J., de Castro H., Yinon Y., Achiron R., Gilboa Y. Measurement of middle cerebral artery diameter as a method for assessment of brain sparing in intrauterine growth-restricted discordant twins //Prenat. Diagn.- 2015 - 35(2) - P 137-41
  9. Rajan Wadhawan, MD, William Oh, MD, and Rosemary D Higgins, MD Twin Gestation and Neurodevelopmental Outcome in Extremely Low Birth Weight Infants Pediatrics – 2015. - 123 (2). P. - e220–e227.

## ОСОБЕННОСТИ МАТОЧНО-ФЕТОПЛАЦЕНТАРНОЙ ГЕМОДИНАМИКИ У БЕРЕМЕННЫХ С ПРЕДЛЕЖАНИЕМ И ВРАСТАНИЕМ ПЛАЦЕНТЫ

Э. Х. Шопулатов, Б. Б. Негмаджанов, Г. Т. Раббимова,  
А. Абдикаримов, Ш. Н. Валиев, Д. Т. Раббимова

Самаркандский государственный медицинский университет, Самарканд, Узбекистан

**Таянч сўзлар:** йулдош ўсиб кириши, йулдош олдинда ётиши, бачадон артериялари доплерометрияси, бачадонда кесар кесиш операциясидан кейинги чандик.

**Ключевые слова:** приращение плаценты, предлежание плаценты, доплерометрия маточных артерий, рубец после кесарева сечения на матке.

**Key words:** placenta accretion, placenta previa, uterine artery dopplerometry, scar after caesarean section on the uterus.

Кесар кесишнинг учраш даражаси юкори туфайли йулдош бирикиш аномалияларининг учраши тобора ортиб бормоқда, шунинг учун йулдош бирикиши аномалиялари бўлган аёлларда ўз вақтида ташхис қўйиш ва бошқариш тактикасини танлаш долзарбдир. Мақолада йулдош бирикиш аномалияларининг диагностика хусусиятлари келтирилган. Допплерометрия ёрдамида қон оқиш хажмини аниқлаш ва васкуляризация индексини ҳисоблаш билан уч ўлчовли ультратовуш текшируви техникаси йулдош ўсишини ташхислаш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

## ЙЎЛДОШ ОЛДИНДА ЁТИШИ ВА ЎСИБ КИРИШИ БЎЛГАН ХОМИЛАДОРДА БАЧАДОН-ЙЎЛДОШ ГЕМОДИНАМИКАСИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Э. Х. Шопулатов, Б. Б. Негмаджанов, Г. Т. Раббимова, А. Абдикаримов, Ш. Н. Валиев, Д. Т. Раббимова  
Самарканд давлат тиббиёт университети, Самарканд, Ўзбекистон

Ushbu tadqiqotning maqsadi akusherlik va ginekologiya ilmiy-amaliy markazining maslahat poliklinikasiga murojaat etgan turli ginekologik patologiyalari bo'lgan bemorlarda bachadon bo'yni holatini o'rganish edi. Tadqiqotimizga 1125 nafar bemor jalb etildi. Bachadon bo'ynidan olingan biopsiya namunalarini gistologik tekshirish natijalarini tahlil qilish va ularni tsitologik ma'lumotlar bilan taqqoslash, PAP testining nisbatan yuqori sezuvchanligi va o'ziga xosligini ko'rsatdi. PAP test, kolposkopiya va bachadon bo'yni biopsiyasi usullari bachadon bo'yni saraton oldi kasalliklarni o'z vaqtida tashxislash imkonini berdi, bu esa bachadon bo'yni saraton kabi yomon sifatli o'smalarning oldini olishga yordam berdi.

## FEATURES OF UTERO-FETOPLACENTAL HEMODYNAMICS IN PREGNANT WOMEN WITH PLACENTA PREVIA AND INCRETA

E. Kh. Shopulatov, B. B. Negmadjanov, G. T. Rabbimova, A. Abdikarimov, Sh. N. Valiev, D. T. Rabbimova  
Samarkand State Medical University, Samarkand, Uzbekistan

The frequency of anomalies of placental attachment is steadily increasing due to the high frequency of cesarean section, therefore, timely diagnosis and the choice of management tactics for women with anomalies of placental attachment is relevant. The article describes the features of the diagnosis of anomalies of placental attachment, that the technique of three-dimensional ultrasound examination with the determination of volumetric blood flow and the calculation of the vascularization index using Dopplerometry makes it possible to expand the possibilities of diagnosing placental ingrowth.

**Кириш.** Дунё бўйлаб оналар ўлими сабаблари орасида биринчи ўринлардан бири акушерлик қон кетишдир (бунда оналар ўлими 25% ташкил қилади), замонавий акушерликни долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади [1,2,4]. Массив қон кетиш сабаблари таркибида етакчи сабаблардан йулдош омиллари ҳисобланади – бу йулдошнинг 20% қаттиқ бирикиши, 10% унинг олдинда ётиши [4]. Алоҳида эътиборга сазовор шуки, йилдан-йилга йулдош аномалиялар барқарор ўсиши кузатилмоқда; йулдош олдинда ётиш учраши 0,1% дан 3% гача ташкил қилади. Ушбу патологияга олиб келадиган хавф омилларига ёши, тез-тез абортлар ўтказилиши, кўп туғруқлар, эндометритлар киради, бунинг барчаси эндометрийнинг шикастланишига ва унинг васкуляризациясини бўзилишига олиб келади [1,2,3,4,5].

Бирок, барча тадқиқотчилар кесар кесиш операцияси частотасини оширилиши ва бачадонда чандик бор бўлганда йулдошнинг бирикиш аномалиялари кескин ошиб боради; масалан бачадон операция бўлмаганда хомиладор аёлларда бу асорат хавфи тахминан 3-5% таш-



кил этади ва кесар кесиш операцияси ўтказилганда 11-24%гача ошади (С. Л. Clark ва бошқ. 2016). Бачадонда битта чандиқ бўлганда йулдош олдинда етиш еҳтимоли 24% ни ташкил этади, бачадонда 4 ёки ундан ортиқ бўлганда бу патология - 67%гача ошади. Йулдош прогрессив ўсиб кириш хавфи бачадондаги чандиқлар сонига боғлиқ: бачадонда 1 чандиқ мавжуд бўлганда- 40%, 2 – 60%, 3 ва кўпроқ - 68.8% ни ташкил қилади (Латышкевич О. А., 2015й.), ва барча йулдош олдинда етишида 7-10% холатларда массив қон кетиш хавфини оширади (С. Л. Clark ва бошқ. 2016).

Ушбу муаммонинг муҳим жиҳати *antenatal* диагностиканинг ноинвазив усулларини (ултратовуш, МРТ) оптималлаштиришдир, ультратовуш текшируви йулдош олдинда ётиши ва усиб кириши ташхиси учун «олтин стандарт» сифатида эътироф этилади [6,7], лекин йулдош олдинда етиши ва усиб кириши ташхисланиши охиригача хал қилинмаган. Уз навбатида бу муаммо илмий изланишлар давом эттирилиши тухтамаслигига асосланади ва янги эхографик маркерларни ишлаб чиқилишига сабаб бўлади.

**Тадқиқот мақсади:** Кесар кесишдан кейин бачадондаги чандиқларда йулдош бириқиш аномалияларида доплерометрия усули орқали ташхислашни такомиллаштириш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** Вилоят Перинатал Марказида 2019-2022 й.й. кесар кесиш операциясидан кейин бачадонда 2 ва ундан кўп чандиқлар мавжуд бўлган ҳомиладорларни ўрганиш: аёлларни ўртача еши  $27\pm 2,1$  ешни ташкил қилди.

I гуруҳ - кесар кесиш операциясидан кейин бачадондаги чандиқларда йулдош олдинда етиши билан - 25 аёл,

II гуруҳ - кесар кесиш операциясидан кейин бачадондаги чандиқларда йулдош ўсиб кириши билан - 25 аёл. Буларга умумий клиник-лаборатор текширув, УТ текшируви, доплерометрия текшируви, терапевт кўриги, анестезиолог кўриги ўтказилади.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, биз ҳомиладорликнинг иккинчи ва учинчи триместрларида йўлдошнинг нормал жойлашиши, йўлдошнинг олдинда келиши ва ўсиб кириши бўлган беморларда ҳомиланинг бачадон артериялари, киндик артерияси ва ўрта мия артериясида қон оқими кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилдик. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида йулдош олдинда ётиши билан булган беморларнинг гуруҳларида ҳомиладорликнинг 20-22 хафталигида бачадон артерияси ҳавзасида гемодинамиканинг интенсивлиги йулдош нормал локализацияси бўлган ҳомиладор аёлларга қараганда анча юқори эканлиги аниқланди. 2-клиник гуруҳ беморларида ўнг ва чап бачадон артерияларида пульсация индекси (Pi) мос равишда  $1,12\pm 0,3$  ва  $1,04\pm 0,3$ , 3-клиник гуруҳда -  $1,07\pm 0,4$  ва  $1,11\pm 0,6$  ни ташкил этди, мос равишда, бу 1-гуруҳ беморлар  $1,60\pm 0,4$  ва  $1,80\pm 0,4$  дан сезиларли даражада паст эди. Шу билан бирга, қон оқимининг энг юқори интенсивлиги йулдош ўсиши (2-гуруҳ) мавжудлигида қайд этилганлиги диққатга сазовордир. Шундай қилиб, ушбу беморларда ўнг ва чап бачадон артерияларидаги пульсация кўрсаткичи мос равишда  $0,90\pm 0,3$  ва  $0,99\pm 0,4$  ни ташкил этди.

Бундан ташқари, ҳомиладорликнинг 20-22 хафталигида қайд этилган ўнг бачадон артериясидаги қон оқими йулдош усиб кириши ва олдинда ётиши билан ҳомиладор аёллар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатди. Ўнг бачадон артериясининг Pi курсаткичи бошқа барча клиник гуруҳларда бу кўрсаткичдан анча паст эди. Йулдош ҳомила қисмининг микровакуляр тармоғи киндик артерияси учун ягона периферик канал бўлганлиги сабабли, бу томирдаги қон оқими тезлиги эгри йулдош томирларининг қаршилиги ҳолатини тавсифлайди, бу эса ривожланаётган ҳомиланинг етарли кислород билан таъминланишида хал қилувчи рол ўйнайди. Клиник гуруҳлардаги беморларда фето-йулдош гемодинамикаси ҳолатини ўрганиш нормал йулдош ва йулдош олдинда ётиши билан булган ҳомиладор аёлларда киндик артериясида қон оқимининг сезиларли фарқлари аниқланди. 2-клиник гуруҳдаги беморларда киндик артериясининг пульсация индекси  $1,0\pm 0,1$ , 3-клиник гуруҳда -  $1,18\pm 0,2$ , 4 -  $1,24\pm 0,2$  ни ташкил этди, бу 1-гуруҳдаги Pi –  $1,4\pm 0,2$  курсаткичига нисбатан бошқа гуруҳларда сезиларли даражада паст эди. Шундай қилиб, йулдош олдинда етиши кўзатилган беморлар гуруҳларида ушбу томирдаги қон оқимининг интенсивлиги йулдошнинг нормал

локализацияси бўлган ҳомиладор аёлларга қараганда сезиларли даражада юқори эди.

Шу билан бирга, ҳомила киндик артериясида йулдошнинг ўсиши бўлган беморлар йулдош олдинда ётиши билан текширилганларга қараганда сезиларли даражада юқори қон томир қаршилигини кўрсатди. Йулдош усиб кириши булган аёлларда ҳомила киндик артериясининг  $P_i$  қиймати 1,24-(0,2) ни ташкил этди, бу йулдош олдинда ётиши булган ҳомиладор аёлларда бу курсаткичдан сезиладиган даражада юқори -  $P_i$  1,00 (0,1) ( $P_{0,001}$ ).

